

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 2 сон

Бош мұхаррір: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул мұхаррір: Илмий ишлар ва инновациялар бүйіча проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул мұхаррір үринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙТАИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Альзамов, ф-м.ф.д., доц.

М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д.

М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад. С.Раширова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: - акад. А.Аскаров, с.ф.д., проф. Т.Файзулаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: - и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

Фалсафа фанлари: - акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: - акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Х.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц. М.Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: - б.ф.д. Ф.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари - п.ф.д., проф З.Нишинова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник мұхаррирлар: Н.Юсупов, Г.Акмалжонова

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлиб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бүйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.02.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига руҳсат этилган (Баённома № 2). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021

1. Фанлааро алоқаларни жорий этиш. Бу масала бир неча йиллардан бўён муҳокамада бўлиб, тўлиқ ечимини топганий йўқ. Интегратив ёндашув ягона, адолатли бўлишни англатиш билан бирга ўрганиладиган фанларнинг бир бирига тегиши мавзуларининг комбинацияси талаба таълим мининг хар бир босқичида ўзаро боғлиқ. Ўқув жараёнида талабаларнинг касбий компетенциясини шакллантириш учун интегратив ёндашувдан фойдаланишдан олдин:

- а) профиллар ва тиллар циклининг ўқув фанларининг таркибий ва мантикий алоқаларини аниқлаш;
- б) Интеграцияга мансуб таркибий қисмларини ажрата олиш;
- в) Интеграциянинг шартлари ва усулларини аниқлаш.

Бир нечта фанларни бирлаштириш (чет тили ва касб бўйича интизом) жараёнида инглиз тилини професионаллаштириш мумкин бўлади [3].

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Тараносова Г.Н. Профессиональная текстовая компетенция как системообразующая в вузовской подготовке филолога // Проблемы университетского образования. Компетентностный подход в образовании. Тольятти: ТГУ, 2009. С. 317–322.
2. Адамко М.А. Особенности обучения английскому языку в вузе в современных условиях. Тольятти: Вектор науки ТГУ. 2015. №3-2 (33-2). С. 283–288.
3. Демьяненко Н.В. К вопросу о содержании обучения профессиональному иностранному языку в техническом вузе в условиях инновационного образования // Молодой ученый. 2010. № 3. С. 272–274.

ВИРТУАЛ КОММУНИКАТИВ МАЙДОН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Халирова Рухсора Рауповна,
Бухоро давлат университети,
Бошланғич таълим назарияси
кафедраси ўқитувчиси

Тел :90 512-71-51 e-mail:xalilova82@mail.ru

Аннотация: Ушбу маколада нутқий мулокотнинг оғзаки ва ёзма куриниши билан биргаликда вертуал мулокотнинг мавжудлиги түгрисида сузланади. вертуал мулокот оддий мулокотлардан фаркланиши ва унинг бир неча куринишилари борлиги түгрисида тухтанилган. Интернет вертуал майдонда бош асос булиб хизмат килиши ва хосил булиши хакида айтиб утилган. коммуникатив-прагматик ўрганиши ёндошуви орқали тармоқ. Вертуал мулокотни фойдаланувчиларининг нутқини таҳлил қилиш имконни беради. Бу эса вертуал майдондаги нутқий мулокот муаммосини ёритиб бериши юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириши зарурати мавжудлигини тақозо этади.

Калим сўзлар: нутқий мулокот, вертуал нутқий мулокот, мулокот жараёни, коммуникатив майдон, форум, глобал ва минтақавий тармоқ, аудио-визуал мулокот, интернет, чат



**ВИРТУАЛЬНЫЙ САЙТ КОММУНИКАЦИИ ЭФФЕКТИВЕН
КАК СРЕДСТВО КОММУНИКАЦИИ**

Халилова Рухсора Рауповна,

Бухарский государственный университет,

преподаватель кафедры теории

начального образования

Тел :90 512-71-51 e-mail:xalilova82@mail.ru

Аннотация: В этой статье обсуждается существование виртуального общения, наряду с устными и письменными формами верbalного общения. Виртуальное общение отличается от обычного общения и имеет несколько проявлений. Благодаря коммуникативно-прагматическому подходу к обучению виртуальная коммуникация в сети позволяет анализировать речь пользователей. Это требует дальнейшего углубления научных исследований проблемы речевого общения в виртуальном поле.

Ключевые слова: речевое общение, виртуальное речевое общение, форум, глобальная и региональная сеть, аудиовизуальная коммуникация, Интернет, чат.

**VIRTUAL COMMUNICATION SITE IS EFFECTIVE
AS A MEANS OF COMMUNICATION**

Ruksora Raupovna Khalilova,

Bukhara State University,

Lecturer at the Department of

Theory of Primary Education

Telephone:90 512-71-51 e-mail:xalilova82@mail.ru

Annotation: This article discusses the existence of virtual communication, along with oral and written forms of verbal communication. Virtual communication is different from normal communication and has several manifestations. Thanks to the communicative-pragmatic approach to learning, virtual communication in the network allows you to analyze the speech of users. This requires further deepening of scientific research on the problem of speech communication in the virtual field.

Key words: speech communication, virtual speech communication, forum, global and regional network, audiovisual communication, Internet, chat.

Бугун янгиланишларнинг муҳим омилига айланиб бораётган замонавий ахборот технологиялари кириб бормаган соҳа ёки жабҳа қолмади. Шу боис юртимизда барча жабҳада, жумладан, иқтисодий-барқарорлик, ижтимоий фаровонликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Интернет – бу ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғи ёки вакили. У лотинчадан олинган бўлиб, inter – apo va net (work) – тармоқ таркибий қисмларга ажратилади. Бу сўз икки хил талқин қилинади, яъни “International Network” – халқаро тармоқ ва “Interconnected networks” «тармоқлараро» деган маънени англатади[21,22]. Ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган ушбу виртуал тўплам барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашиш имкониятини

яратиб бера олади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларни бирлаштирувчи ахборот тизими бўлганлиги боис, унинг ҳар бир мижози ўзининг шахсий компьютери орқали бошқа шаҳар ёки мамлакатга ахборот узатиши мумкин. Интернет ўз-ўзини шакллантирувчи ва бошқарувчи мураккаб тизим. У тармоқ воситаларини ягона стандарт асосида (ягона тилда) ишлашни таъминловчи дастур сифатида иккита асосий вазифасини бажариди. Яъни,

биринчиси ахборот макони ва иккинчиси коммуникацион восита.

Вертуал нутқий мулоқот оддий нутқий мулоқот каби уч таркибий қисмдан иборат: мулоқотни бошлиш, мулоқотни сақлаш ва мулоқотни яқунлаш. Фойдаланувчи ўзбек тили чатининг вертуал мулоқот маконида ўз борлигини ифодаловчи тил ва прагматик қоидаларига асосланиб мулоқотни амалга оширади. Вертуал сухбатни қуидагича тавсифланиши мумкин: 1)мулоқотнинг оммавий характеристики; 2) алоқа йўналиши: кўпдан кўпгача; 3) синхрон алоқа; 4) хабар олувчига хабар беришнинг ўртacha тезлиги; 5) хабар шакли ва мазмунига қатъий талабларнинг йўқлиги[4,7,15].

Интернет орқали видео мулоқот деганда фойдаланувчилар бир бирларини компьютер экранида (он-лайн тарзда) кўриб турадилар, яъни фойдаланувчиларнинг ҳаракатли тасвирлари бир-бирларига узатилади. Бу видео алоқани амалга ошириб берувчи қурилма веб камера деб номланади. Интернет орқали видео мулоқот жараёнида мулоқотда қатнашаётган барча фойдаланувчилар бир бирининг гапини эшишибина қолмай, балки бир-бирларини кўриб ҳам туришади.

Вертуал мулоқот жараёни маълум бир шароитларда ва маълум бир омиллар таъсирида амалга ошади. Аввало мулоқот жараёни доим аниқ бир вазиятда амалда бўлади. Меъёрдаги мулоқот акти камида иккита иштирокчи бўлишини тақозо этади: гапиравчи (ёзувчи) ва тингловчи (ёзувчи). Бунда гапиравчи ва тингловчи роллари ўзгармайди. Вертуал майдондаги мулоқот актида онлайн бўлиши шарт. Вертуал майдондаги мулоқот соҳаси маълум бир умумий вазифа ва вазияти шарт-шароитлар билан бирлашган мулоқот актлар мажмуаси бўлиб, коммуникатив ҳодиса сифатида активдир. Бундай мулоқот мутлақо турли хил соҳаларда амалга ошиши мумкин: кундалик мулоқот соҳаси (асосан шахслараро); саноат мулоқот соҳаси; бизнес мулоқот соҳаси (ёки бизнес мулоқот); илмий, маърифий ва сиёсий нутқ соҳаси; туризм, спорт ва шоу-бизнес соҳаси; тиббий нутқ соҳаси; ҳалқаро алоқа ва ҳ.к [8].

Вертуал майдонда мулоқот соҳаси турли хил булшидан қатъий назар мулоқот модели қуидаги қўринишда намоён бўлади: манба –> кодлаш –> хабар –> декодлаш –> олувчи [8,10,13] "Кодлаш" бу ўринда манба матнининг турли ўзгаришларини ўз ичига олган хабарга ўтиш жараёнини англатади[13]. Вертуал майдондаги мулоқот жараёнини шакллантирадиган омилларни гурухлайдиган бўлсак, бир қатор имкониятларни кўриш мумкин: коммуникатор омили (мазкур жараёнга таъсир этувчи мақсад ва вазифаларини белгилайди); мақсадли аудитория омили (адресат манфаатларини белгилайди); мулоқот канали омили (чекловчилар сифатида майдонга чиқадиган, мазкур канал стандартларини белгилайди). Вертуал майдондаги нутқий мулоқотнинг обьекти "чат"тизимидағи компьютер мулоқоти ҳисобланади. Компьютер ёки Internet мулоқот деганда (хатто маҳсус СМС термини ҳам мавжуд (СМС= computer-mediated communication) [3,10,19], бунда компьютер орқали инсонлар ўртасида нутқий мулоқот ва ахборот алмашиш билан боғлиқ коммуникатив ҳатти-ҳаракатларни тушуниш керак бўлади. Бу компьютер

тармоқларидағи масофавий мuloқot бўлиб, бу турдаги гаплар мuloқot канали асосида ажралиб туради. Иштирокчиларнинг бир-биридан узоклиги ва замонавий компьютерларнинг ўзига хос технологияси бу мuloқotни ўзига хос тарзда намоён этади. Internet-мuloқotни таҳлил қилиш жараёнида компьютер мuloқotининг қуийидаги хусусиятлари мавжуд: 1)электрон сигнал (бу мuloқot канали ҳисобланади); 2) виртуаллик (номаълум жамоа билан алоқа, номаълум сұхбатдошлар билан мuloқot; 3)масофавий(макон ва замонда ажратиш ва бир вақтнинг ўзида синхронизация); 4) воситачилик (алоқа техник воситалар ёрдамида амалга оширилганилиги учун); 5) долзарблити ва юқори даражадаги ўтказувчанлик (ҳар қандай шахс компьютер мuloқotнинг иштирокчиси бўлиши мумкин); 6)гиперматнилик; 7)компьютер матнларининг креативлиги (жанр қориshmаси); 8) тармоқ иштирокчиларининг асосан мақомига кўра тенглиги; 9) "кулгичлар" ёрдамида ҳиссиётлар, юз ифодаларининг узатилиши; 10)нутқнинг компьютер шакли барча турдаги гапларни бирлаштиш; 11) ўзига хос компьютер этикаси [2,7,8].

Internet-мuloқot инсонлар ўртасидаги мuloқotiда янгича ўлчамини очиб берди. У катта ҳажмдаги ахборотларни сақлаш ва тез узатиш, audio ва video алоқа каналларидан фойдаланиш ва он-лайн режимида мuloқot қилиш имконини яратиб беради. Яъни респодентлар билан бевосита тўғридан-тўғри мuloқot ўрнатишга замин яратилди. Компьютер мuloқotи virtual мухитдаги мuloқot бўлиб, бу унинг бошқа нутқий мuloқot турлаидан фарқловчи энг мухим хусусиятидир. Ветруал мuloқot бошқа мuloқot турлари каби бир неча хил хусусиятларга эга. Масалан, қамрови нуқтаи назаридан компьютер мuloқot оммавий (бутун дунё билан алоқа), ички шахсий (фойдаланувчи ва компьютер ўртасидаги алоқа) ва гурухли мuloқot кўринишга эга. Вақт омилини, яъни мuloқot жараёнининг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда компьютер мuloқot қисқа (электрон почта орқали хабарни олиш) ёки вақт бўйича чекланмаган (Internet-конференцияларда иштирок этиш) бўлиши мумкин. Шаклига кўра компьютер мuloқot оғзаки (овозли modem) ва ёзма (матн ва график)га бўлинади. График шакл – ҳарфлар ташқари бошқа тасвиirlар, диаграммалар ва ҳоказоларни узатишни англатади. Мулокот усулига кўра компьютерли мuloқot воситали алоқа ҳисобланади, чунки у техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотни узатиш ва идрок қилиш каналига кўра компьютер мuloқоти ҳақиқий (реал инсонлар билан мuloқot) ва virtual (номаълум, хаёлий сұхбатдошлар билан мuloқot) га бўлинади [2,3].

Шундай қилиб, компьютер мuloқotни ўрганиш бўйича қуийидаги назарий моделини бешта омиллар кўра тасвиirlаш мумкин:

- 1) қамрови бўйича (оммавий, гурухли ва интерперсонал);
- 2) вақтга асосланган (қисқа ва чегараланмаган вақт ичида);
- 3) ёзма (матнли ва график) ва оғзаки (audio модемдан фойдаланганда ҳолда) шаклда;
- 4) узатиш канали бўйича (ҳақиқий, virtual);
- 5) алоқа усулига кўра (ҳар доим билвосита).

Ветруал мuloқot шахсга йўналтирилган (электрон почта ёзишмалари) ёки мақомга йўналтирилган (турли мавзулардаги конференцияларда мuloқot: сиёsat, sport, тиббиёт, фан ва бошқалар) бўлиши мумкин. Унда нутқнинг барча турларига оид хусусиятлари мавжуд бўлади. Нутқнинг компьютер тури оммавий мuloқot билан кўп боғлиқлик жиҳатлари бўлса-да, аммо у билан тўлиқ мос келмайди. Жумладан, оммавий ахборотдан

фарқли равища компьютер мулокот ўзаро йўналтирилган бўлиб, қўпгина матнлар шахсий характерга эга бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, ахборот технологияларининг фаол ривожланиши ва инсонларнинг кундалик ҳаётида қўлланилиши ҳисобга олган ҳолда, компьютер ва инсон ўртасидаги муаммолар бутанги кунда асосий босқичга кўтарди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вертуал мулокотни коммуникатив-прагматик ўрганиш ёндошуви орқали тармоқ фойдаланувчиларининг нутқини таҳдил қилиш имконни беради. Бу эса вертуал майдондаги нутқий мулокот муаммосини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлигини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Галичкина, Е. Н. Компьютерная конференция в системе жанров компьютерного общения.Межвузовский сборник научных трудов - Саратов: Изд- во «Научная книга», 2003. - Выпуск 9. - С. 276-280.
2. Демьянков, В. З. Интерпретация, понимание и лингвистические аспекты их моделирования на — М.: Изд-во Моск. ун-та, 1989.- 172 с.
3. Жичкина, А.Е. Социально-психологические аспекты общения в Интернете [http://floqiston.ru/projects/articles/strateqy.shtml/](http://floqiston.ru/projects/articles/strateqy.shtml).
4. Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкоznания в очерках и извлечениях. Ч.П. –Москва: Просвещение, 1965. –85 с.
5. Кашкин В.Б. Введение в теорию коммуникации. Воронеж, 2000.-С.221-234.
6. Кремлева, С. «ЧАТ» как разновидность виртуального общения // <http://sociology.extrim.ru/dip/start.htm>
7. Лошманова Л.Т. Жаргонизированная лексика в бытовой речи молодёжи 50-60-х годов. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Ленинград, 1975.-С.57-59.
8. Овчарова, К. В. Электронный дискурс: общая характеристика // Лингвистическая организация дискурса: функциональные и содержательные аспекты : Межвуз. сб. тр. молодых ученых. – Краснодар, 2004. - Вып.1. - С. 108-113.
9. Миртоҗиев М.,Махмудов Н. Тил ва маданият.– Тошкент: Ўзбекистон, 1992.– 110 б.
10. Мўминов С.М. Ўзбек мулокот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари:Филол.фан.д-ри. ... дисс. –Тошкент, 2000. –Б. 198-204.
11. Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. –Калинин: КГУ, 1985. –С. 12-18.
12. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –Москва: Наука, 1971. – С. 95.
13. Соссюр Ф. Труды по языкоznанию. –Москва: Прогресс, 1977. –С. 52.
14. Стратен В.В. Арго и арготизм. – В сб.: «Труды комиссии по русскому языку». – Ленинград, 1931.-С.91-98
15. Тоирова Г. Этносоциопрагматика ёки прагматик социолингвистика ҳақида. БухДУ илмий ахбороти. 2008, № 1. –Б.53-55.
16. Тоирова Г. Нутқий мулокотнинг лисоний вербал ва лисоний новербал воситалари хусусида (саломлашиш мисолида). БухДУ илмий ахбороти. 2018, № 1. –Б.67-74.
17. Формановская, Н. И. Речевой этикет и культура общения. - М.: Высшая школа, 1989. - 415 с.

76	Ingliz tili darslari samaradorligini oshirishda multimediyali electron darsliklardan foydalanish tizimini rivojlantirish. Valiyev Sh.A	396
77	Техникаолий таълим муассасаларида ахборот технологиялар ёрдамида талабалар касбий компетенцияларни шакллантиришнинг назарий асослари Адилов Б. Б	401
78	Текисликдаги ва фазодаги комплекс сонларнинг геометрик маъносини ўқитишини методик такомиллаштириш Баратов Ф.Ш	407
79	Построение учебно-тренировочного процесса квалифицированных тяжелоатлетов с учетом типа соревновательной подготовленности Баязитов К.Ф	410
80	Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш босқичлари ва шакллари Мақсудов У.Қ	418
81	Texnologiya fani darslarining turlari, tiplari va ularga mos keluvchi pedagogik texnologiyalarni tanlash Kadirova N.M	424
82	Соғломлаштириш тадбирлари орқали бошланғич синф ўқувчиларини жисмонан тарбиялаш Исмоилов Т	431
83	Pedagogika fanlarini o'qitishning kredit modulli tehnologiyalarga takomillashtirish Djumanqulov A A	434
84	Fakultetlararo mutahassiliklarda elektron o'qitish jarayonini takomillashtirish (informatika va unga turdosh fanlar misolida) Husanov Q.O., Yunusova G.N, Kahharov R. T	440
85	Инновацион таълим технологияларининг назарий-методологик асослари Косимов А.С., Раимов F. F., Тураева Д. А.....	443
86	Узлуксиз таълим тизими босқичлари физика курсларида “абсолют қора жисмнинг нурланиш қонунлари” ни ўрганишдаги изчилиллик Саматов F. Б, Саттаркулов К. Р, Уябоева Н.А	449
87	Табиий фанларни инглиз тили фани билан интегратив ёндашув асосида ўқитишининг аҳамияти Турсунбоева М А	454
88	Виртуал коммуникатив майдон самарали мулоқот воситаси сифатида Халилова Р.Р	457
89	Евклид алгоритми ёрдамида сонли ифодаларнинг бўлинишини исботлаш методикаси Хонқулов У.Х	462
90	Сложное предложение в русском и узбекском языках Набиев Ш А, Хасanova M.A	468
91	Ўқувчиларда технологик операцияларни бажариш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишда схемаларни ўрни	471